

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги  
Санатор-Курортлар бошқармаси Ҳайъати ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш  
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси**

**ҚЎШМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

№ 14-02/105 06» ок 2021 й.

№ 01-05.е 06» ок 2021 й.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси  
қошидаги Санатор-Курортлар бошқармаси ва  
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши ўртасида 2018-2020 йилларга тузилган  
Тармоқ келишувининг 2020 йилда бажарилиши ҳамда 2021-2023  
йилларга тузилган Тармоқ келишувини тасдиқлаш тўғрисида**

Санатория ва дам олиш уйлари муассасаларининг тўлиқ фаолият  
кўрсатиши, соҳа ходимларининг юкори ижтимоий, моддий фаровонлиги ҳамда  
мехнат хукуқлари ва кафолатларига риоя килиш, иш берувчилар ва ходимлар  
ўртасидаги ўзаро муносабатларни баркарорлигини таъминлаш мақсадида икки  
томонлама тузилган тармоқ келишувининг 2020 йилда бажарилиши тўғрисидаги  
маълумотномани ҳамда 2021-2023 йилларга мўлжалланиб икки томонлама  
тузилган Тармоқ келишуви лойиҳасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон касаба  
уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-Курортлар бошқармаси  
Ҳайъати ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика  
Кенгаши Ижроия қўмитаси қарор қиласи:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-  
Курортлар бошқармаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат  
муносабатлари бўйича 2018-2020 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг  
2020 йилда бажарилиши тўғрисидаги маълумотнома ахборот учун қабул қилинсин  
(1-илова).

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-  
Курортлар бошқармаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат  
муносабатлари бўйича 2018-2020 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг  
2020 йилда бажарилиши қониқарли деб топилсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-  
Курортлар бошқармаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2021-2023 йиллар учун тузилган Тармоқ  
келишуви лойиҳаси бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Эксперт  
комиссиясининг 2021 йил 9 февралдаги 40-21-сонли Эксперт хulosаси инобатга  
олинсин.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-  
Курортлар бошқармаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба

уюшмаси Республика Кенгаши билан биргаликда ижтимоий-иктисодий ва меҳнат муносабатлари бўйича 2021-2023 йилларга мўлжалланиб икки томонлама тузилган Тармоқ келишуви лойиҳаси тасдиқлансан (2-илова).

5. Тармоқ келишуви бажарилишини назорат қилувчи комиссия таркиби 3-иловага мувофик тасдиқлансан.

6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-Курортлар бошқармаси билан Ўзбекистон Соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашига ушбу келишувни амалда тадбик этилишини таъминлаш юклатилсан.

7. Бошқарма тасарруфидаги барча ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларнинг 2020 йилда бажарилишига бағищланган конференцияларни жорий йилнинг апрель ойигача ўтказиш вазифаси топширилсан.

8. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-Курортлар бошқармаси бошлиги А.Ахмедовга ва Ўзбекистон Соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапияевга юклатилсан.

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши қошидаги  
**Санатор-Курортлар бошқармаси**  
бошлиғи

А.Ахмедов



Ўзбекистон Соғликни сақлаш  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши раиси

Ф.Ханапияев



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги  
Санатор-курортлар бошқармаси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари  
касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2021-2023 йилларга тузилган**

**ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

Мазкур Тармоқ келишуви (кейинги ўринларда “Келишув”, деб аталади) “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси” (кейинги ўринларда “Бошқарма” деб аталади) билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (кейинги ўринларда “Республика Кенгаши” деб аталади) ўртасида тузилган бўлиб, бошқарма тизимида ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлашни, ходимларнинг ижтимоий кафолатларини белгилаб берувчи норматив ҳужжатdir.

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Бошқарма тассаруфидаги ташкилотлар раҳбарлари ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш мақсадида Республика Кенгаши ва унинг худудий бўлинма раҳбарлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан ходимларнинг меҳнат, иш ҳақи, уларнинг иш билан бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш ҳамда жамоа шартномаларини тузиш ҳукуқини тан олади.

1.2. Келишув Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (бундан буён “МК” деб аталади), Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонуни, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 марта “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли қарори ва бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалаларга оид Бош келишувига (бундан буён “БК” деб аталади) асосан тузилган ушбу Келишув қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- ходимлар турмуш даражаси пасайишининг олдини олиш ижтимоий-иктисодий кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳукуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда қўрсатилганидан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иктисодий шартлар киритиш;
- ходимларнинг ҳукуқий билимларини ва маданиятини, ижтимоий шериклик, ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат қонунчилиги ва Халқаро меҳнат

ташкilotининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари хақида билимларини ошириш мақсадида ҳамкорликда семинарлар ташкил қилиш;

- санаториялар ва дам олиш уйлари ходимларининг меҳнатини ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- “Ишонч телефонлари” орқали орқали ходимлардан келиб тушаётган ижтимоий-меҳнат соҳасидаги масалаларни ҳамкорликда кўриб чиқиш;
- касаба уюшма ташкилотларига қонунчиликда белгиланган ваколатлар бериш ва уларнинг фаолияти учун шароит яратиш.

#### 1.3. Тармоқда ижтимоий шерикликни таъминлаш учун:

- Республика Кенгаши раисини Бошқарма тиббий коллегияси аъзолигига киритилиши;
- Бошқарма вакили тармоқ касаба уюшмаси Раёсати аъзолигига киритилиши;
- касаба уюшма бошланғич қўмиталари раисларини Бошқарма тасарруфидаги санаториялар ва дам олиш уйлари (бундан буён **Ташкилот** деб аталади) бошқарув органларига киритилиши таъминланади.

1.4. Келишув Бошқарма тасарруфидаги Ташкилот билан меҳнат муносабатларида турган барча ходимларга тааллуқлидир.

1.5. Бошқарма, Республика Кенгашини тармоқ ходимларининг ижтимоий-иктисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олади.

1.6. Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ходимнинг ёзма розилиги билан бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли касаба уюшма қўмитаси ҳисоб-рақамига ўтказилади.

1.7. Жамоа шартномаларини тузиш пайтида ушбу Келишувда ходимлар учун белгиланган ижтимоий кафолатларнинг энг паст даражасининг бажарилишига тўсқинлик қилинмайди.

1.8. Касаба уюшмалари қўмиталарига сайланган ходимлар учун қўйидаги ижтимоий кафолатлар сақлаб қолинади:

- асосий ишдан озод этилмаган касаба уюшма қўмиталарининг раисларига жамоа манфаатлари йўлидаги ишларни бажариш учун бўш вакт ажратиш;
- қисқа муддатли касаба уюшма ўқувлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ишида иштирок этган даврида ўртacha иш ҳақини сақлаб қолиш;
- касаба уюшмаси органи талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;
- касаба уюшмаси органининг уставида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни алоҳида хона, компьютер жамланмаси, интернет, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

1.9. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қўйидаги Конвенцияларига офишмай риоя этилишини таъминлаш:

- “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисда”ги 29-сонли Конвенция;
- “Кирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги 47-сонли Конвенция;
- “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 52-сонли Конвенция;

- “Мехнат инспекцияси тўғрисида”ги 81- сонли Конвенция;
- Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хуқуқини химоя қилиш тўғрисида”ги 87-Конвенция;
- “Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш хуқуки принципларини қўллаш тўғрисида”ги 98- сонли Конвенция;
- “Тенг аҳамиятли ишлар учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
- “Оналикни химоя қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
- “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
- “Мехнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;
- “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёsat тўғрисида”ги 122-сонли Конвенция;
- Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Мехнаткашларнинг вакиллари ҳақида”ги 135-Конвенция;
- “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;
- “Халқаро нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 144-сонли Конвенция;
- “Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисида”ги 154-сонли Конвенция.

1.10. Бошқарма ва унинг тасарруфдаги ташкилотлар иш берувчилари ходимлар манфаатига дахлдор карорлар қабул қилишдан олдин Республика Кенгashi ва тармоқ касаба уюшмасининг жойлардаги органлари билан маслаҳатлашишлари шарт.

1.11. Мехнат жамоасида ишлаб пенсияга чиққан ходимларга доимий ғамхўрлик қилиш, уларга зарурий ижтиомий ва моддий ёрдам қўрсатиш, уларнинг меҳнат жамоаси ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, кекса авлод вакилларининг билими ва тажрибасидан фойдаланиш, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Бошқарма тассаруфидаги барча ташкилотларда “Фахрийлар Кенгashi” ташкил этилади.

1.12. Тармоқнинг ижтиомий-иктисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойихаларини, шунингдек ушбу лойихаларга доир таклифларни тайёрлашда, уларни Бошқарма хузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органларининг мажлисларида кўриб чиқишида касаба уюшма органлари вакилларининг иштирок этиши таъминланади.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашилади.

1.14. Тизимдаги ташкилот ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга карши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## II. Меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари

### Иш берувчининг мажбуриятлари:

2.1. Касблари, малакалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ ходимларнинг бандлигини таъминлаш.

2.2. Меҳнат шароитларининг ўзгариши ва ходимларни оммавий ишдан бўшатилиши билан боғлиқ масалаларни касаба уюшма қўмитаси билан келишиш.

Касаба уюшма қўмитасининг ёзма розилигисиз иш берувчи ташабbusи билан ходимларнинг меҳнат шартномаларини бекор қиласлик (бундан муассасани тугатилиши, муассаса раҳбари, шунингдек мулк эгасининг алмашиши сабабли муассаса раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи билан, муассасада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош ҳисобчи вазифасини амалга оширувчи ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари мустасно).

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшма қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11 сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилиши таъминланади.

2.3. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш ҳамда технологиялар ўзгариши, иш ҳажмининг камайиши муносабати билан штатлар сонини қисқартиришни амалга оширишда:

- вактинча ва ўриндошлик лавозимида ишлаётганлар сонини чеклаш;
- ходимларга уларнинг хоҳишига кўра ҳақ тўланмайдиган таътиллар бериш;
- МКнинг 103-моддасига биноан ишда қолиш афзалликларига эга бўлган ходимлар тоифаларини аниқлаш.

2.4. **Иш берувчи ходимлар сонини қисқартирилиши билан боғлиқ таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида ҳамда ходимларни оммавий равища ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин касаба уюшма қўмитасига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини, шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.**

Муассаса ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида 10 фойзининг бир вактнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равища ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Конунининг 18-моддасига биноан, одамларнинг

ишдан бўшатилишига маҳаллий меҳнат органларининг олдиндан розилигини олмай туриб йўл қўймаслик. (МК 25-моддаси).

2.13. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битрувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли харбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифларини ишга жойлаштиришда иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари ҳамкорликда фаолият юритадилар.

2.14. Тармоқда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилган умумхалқ хайрия ҳашарлари ва фавқулотда холатлардаги ишлардан ташқари ходимларнинг иш хақларидан қонунга хилоф равишда маблағ ушлаб қолиш, гўза парвариши, пахтакорларга, коммунал тўловларга, текширувчиларга, ободонлаштиришга, гул ёки дараҳт қўчатларини сотиб олиш ва ҳоказоларга, қонун ҳужжатларидаги тартибга риоя этмаган ҳолда ҳашар ва шанбаликларга шунингдек, ходимларнинг лавозим вазифасига кирмайдиган ишларга жалб қилинмайди.

Бундай холатлар аникланган холларда тарафлар бир-бирларини бу хақда хабардор қиласидилар, мажбурий меҳнатга йўл қўйган раҳбарларни интизомий жазога тортиш ёки тегишли давлат органлари раҳбарларига нисбатан чоралар қўрилиши бўйича биргаликда ҳаракатлар қиласиди.

2.15. Ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни яратиш.

2.16. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳукуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга қўмаклашиш.

### **III. Иш вақти ва дам олиш вақти**

3.1. Бир ҳафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш вақти, иш вақтини жамлаб ҳисоблаш амалга оширилган ҳолда смена графигига мувофиқ аникланади.

3.2. Бошқарма ходимлари учун иш вақти ва дам олиш вақтларининг режими Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

3.3. Қўйидагилар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланади:

- 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун;
- 1 ва II гуруҳ ногиронларига;
- тиббиёт ходимларига
- ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун.

Ҳар бир ташкилотдаги меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вақтининг аниқ муддати Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш

тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрь 263-сонли қарори) га асосан иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига асосан жамоа шартномалари орқали белгиланади.

3.4. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Тўлиқсиз иш вақти режимидағи меҳнат учун ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади. (МК 119-моддаси).

3.5. Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилиш. Бунда иш сменаси 12 соат бўлган, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни ҳамда 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қиласлик (МК 124-моддаси).

3.6. Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилинадиган ҳар бир ходим учун унинг йил давомида шундай ишларда ишлаган вақти 120 соатдан ошиб кетишига йўл қўймаслик (МК 125 моддаси).

3.7. Ташкилотларда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритиши учун ташкилотнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ходимларга ҳақ тўланадиган қўйидагича қўшимча таътиллар бериш тавсия этилади:

- врачларга (бўлим раҳбарлари, бухгалтер, инженер ва олий маълумотли бошқа муттахассисларга) – 9 кун;
- ҳамшираларга – 9 кун;
- санитаркаларга – 9 кун;
- техник ходимларга (хўжалик бўлими ходимлари) - 3 кун (МК 137-моддаси).

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида дам олиш кунлари белгиланганда кўрсатилган қўшимча дам олиш кунларининг берилиши муносабати билан ходимларнинг йиллик асосий ва қўшимча таътиллари давомийлиги ўзгармайди.

3.9. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрь 263-сонли қарори) га асосан иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига асосан жамоа шартномалари орқали қўшимча имтиёзларни белгилаш.

3.10. Қўйидаги ҳолларда ходимларга бир марталик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш:

- яқин кариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғининг ота-онаси, турмуш ўртоги, фарзандлари, туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари) вафот этганда - 3 кун;
- фарзанд туғилганда (отасига) - 1 кун;
- фарзанди 1 синфга чиққанда (онасига, отасига) - 1 кун;
- фарзандларининг никоҳ тўйларида - 3 кун;

- ходимнинг никоҳ тўйларида - 3 кун;
- юбилей саналарида (50, 55, 60, 65, 70) - 1 кун;

3.11. Ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлик ва туғиши таътилига чиққунларига қадар 1 ойлик ҳак тўланмайдиган таътил бериш, уларга йиллик меҳнат таътилини бериш имконияти бўлмаган ҳолларда.

3.12. Меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (кўшимча таътиллар билан биргаликда) 48 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

3.13. Ходимга иш ҳаки сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътил даврини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳукукини берувчи меҳнат стажига қўшиш. (МК 142-моддаси).

3.14. МКнинг 144-моддасида кўрсатилган ходимлар тоифаларидан ташкари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20.03.1997 йил 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича хисобда турган ходимларга;
- б) бетоб оила аъзосини парваришилаётган ходимларга;
- в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2007 йил ПФ-3878-сонли Фармонига биноан тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оиласлар вакилларига;
- г) ишилаётган пенсионерларга.

3.15. МКнинг 150-моддасида кўрсатилган ходимлардан ташкари қуйидаги ходимларга (1941-1945 йиллардаги уруш катнашчилари ва имтиёzlари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташкари яна қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳаки сақланмаган ҳолда мукаррар тартибида 14 календар кунга қадар таътил берилади:

- а) бетоб оила аъзосини парваришилаётган шахсларга;
- б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;
- в) ишилаётган пенсионерларга.

Шунингдек жамоа шартномалари ва меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

3.16. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳаки сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин 12 ойлик давр мобайнида 3 ойдан ошмаслиги лозим.

3.17. Таътил бошланмасдан олдин охирги иш кунида таътил учун ҳак тўланишини таъминлаш (МК 148 моддаси).

3.18. Пандемия даврида карантин қоидалари кучайтирилганда ходимлар иш берувчилар томонидан ўз хисобидан таътилга мажбурий равишда йил давомида 3 ойдан ортиқ муддатга чиқариб юборилганини инобатга олиб, Солик Кодексининг 374-моддаси 2-бандида назарда тутилган, иш ҳаки қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътил бериш.

#### **IV. Мехнатга ҳақ тұлаш, кафолатли тұловлар ва компенсация тарзидаги тұловлар**

4.1. Үзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 9-боби талабларига риоя қилинишини, ходимларга 1-разряд ставкасидан кам бұлмаган міңдорда ҳақ тұланишини таъминлаш.

Бошқарма таркибидаги санаторияларнинг тиббиёт ходимларига мехнат ҳақи тұлаш Үзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган “Үзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари мөхнатига ҳақ тұлашнинг тариф сеткасы”да белгиланған разрядлар асосида амалга ошириш.

Ташкилотда мөхнат килаёттап нотиббий ходимларнинг мөхнатига ҳақ тұлаш Ягона тариф сеткаси бүйіча амалга ошириш.

Үзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекциясiga қарши курашиш даврида тиббиёт ва бошқа ходимларга моддий рағбалантириш тұловлари амалдаги мөъёрий ҳужжатларга мувофик тұланади.

4.2. Мөхнатга ҳақ тұлаш фондининг тариф қисми ва тарифға құшимча қисми үртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида үрнатилиши мүмкін.

4.3. Үзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан белгиланған энг кам иш ҳақи міңдоридан келиб чиққан холда, үз вақтида мөхнатга ҳақ тұлаш міңдорлари кайта құриб чиқлади.

4.4. Тунги вактдаги (соат 22-00 дан то 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар міңдорда ҳақ тұланади.

4.5. Смена ёки навбатчилик асосида иш ташкил этиладиган соглиқни сақлаш муассасаларыда ходимларнинг навбатчилик вақтидаги соат 18.00 дан 22.00 гача бўлған даврдаги иш вақтини “кечки вакт” ёки “кечки смена” сифатида белгиланади ва бу вақтда ишнинг ҳар бир соати учун камида 1,25 баравар міңдорда ҳақ тұланади.

4.6. Республикада белгиланған байрамлар (1 январь, 8 март, 21 март, 9 май, 1 сентябрь, 1 октябрь, 8 декабрь, Рӯза ва Қурбон хайитларининг биринчи кунлари)да иш графиги асосида ишлаганлик ёхуд иш берувчининг фармойишига асосан шу кунларда ишга жалб этилган муассасаларнинг барча ходимларига, шунингдек дам олиш кунлари (якшанба) кунлари ишлаганлиги, ёхуд сменада турғанлиги учун икки хисса міңдорида иш ҳақи тұлаш.

4.7. Ходимларга иш ҳақи тұлашнинг аниқ, муддатларини жамоа шартномаларида белгилаб қўйилиши таъминланиши лозим. (МК 161 моддаси).

4.8. Бошқарма тизимидағи барча муассасаларда мөхнатга ҳақ тұлашнинг шакли ва тизими, муддатлари, турли устамалар, мукофотлар, рағбалантириш, моддий ёрдам, құшимча ва компенсация тұловларининг аниқ міңдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

4.9. Мөхнатга ҳақ тұлаш фондининг тариф қисми ва тарифға құшимча қисми үртасидаги мақбул нисбат ташкилотларнинг жамоа шартномаларида белгиланади.

4.10. Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир харакатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш вактида унинг ўртача иш ҳаки сақланади. (МК 165,166,167-моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 й. 133-сонли қарорини 5-иловаси).

4.11. Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотлари раҳбарлари бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шугулланаётган, фахрий унвон ва илмий даражага эга бўлган шахсларга нисбатан кўйидаги қўшимча тўловлар белгилаш ҳуқуки берилади:

- "Халк" ва "Хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонлари эгалари учун тўловлар Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони соҳиблари учун 1 баравари миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942 сонли Фармони);

- илмий даражасига эга бўлганларга Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 60% гача, фан доктори даражасига эга бўлганларга эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 100% гача бўлган миқдорда.

4.12. Иш берувчи ишдаги ютуклар учун ходимга нисбатан рагбатлантириш чоралари қўлланиши мумкин. (МК 180-моддаси).

4.13. Республика миёсидаги хизмат сафарларида бўлган ходимларнинг суткалик ҳаражатлари МКнинг 171-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва 7/12-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августида 1268-ракам билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафари тўғрисидаги йўриқнома”га асосан қопланади.

4.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 марта даги 88-сонли “Иш ҳаки ўз вактида тўланишига доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги карориннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида тизимдаги ташкилотларда иш ҳақининг ўз вактида ва тўлиқ берилиши учун иш берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади. Мазкур меъёр барча жамоа шартномаларига киритилади.

4.15. Касаба уюшма қўмитаси раисининг хизмат сафарлари билан боғлик ҳаражатлари ташкилот ҳисобидан амалга оширилиши таъминланади.

4.16. Жамоа шартномалари орқали кўп болали ва кам таъминланган оиласарга, имконияти чекланган болани тарбиялаётган оиласарга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

4.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вактинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сон қарорига асосан Вактинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варагалари бўйича қўйидаги миқдорларда нафака тўланади:

- иккинчи жағон уруши иштирокчилари, байналмилал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, карамогида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бұлған шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатищда иштирок этгандар ва шу ҳалокат натижасыда радиоактив заараланган зоналардан эвакуация қилинган ва құчирилғанлар, оғир касалликтарга (ұткир лейкоз, аденома, саратон) дучор бұлғанлар, харбий хизматни ядервій полигонлар ва бошқа радиоактив-ядровий объектларда үтеган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек мөхнат жароғати ва касбий касаллик оқибатида вактингчалик мөхнатта лаёқатсиз бұлған ходимларга - тұлық иш ҳақи міңдорида;

- ижтимоий ахамияттаға эга бұлған касалликтар бүйіча рүйхатда турған ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда — иш ҳақининг 60%дан 100%гача;

- коронавирус инфекцияси билан заараланиши ёки заараланған деб гүмөн килиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилған ота-оналар (улар үрнини босувчи шахслар, васиілар, ҳомиілар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бұлған боласини парвариш қилаётгандарға үртака ойлик иш ҳақининг 100 фоизи міңдорида;

- бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда - иш ҳақининг 60%дан 80%гача. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигінде 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рүйхатта олинған Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдеги 21-сон буйруғи билан тасдиқланған “Давлат ижтимоий суғуртаси бүйіча нафақалар тайинлаш ва тұлаш тартиби тұғрисида”ғи Низом)

4.18. Ходимнинг айбисиз юзага келған бүш туриб қолишлиар учун үртака иш ҳақининг сақланишини таъминлаш.

4.19. Мөхнатнинг янги белгіланған нормалари, тариф сеткасы ва ишбай баҳо күрсатгышлари олдиндан касаба уюшма құмиталари билан келишиб олинади.

4.20. Бошқарма ва Республика Кенгашининг құшма қарорига асосан ҳамкорликда үтказилаётгандар күрик-танловлар, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида, туризм ва бошқа тадбирларда иштирок этгандарға, тадбирларда иштирок этгандарға иш жойида үртака иш ҳақи сақлаб қолинади.

4.21. Автотранспорт ҳайдовчилари мөхнатига ҳақ тұлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда 3130-сон билан рүйхатдан үтказилған “Автомобиль транспорты ҳайдовчилари мөхнатига ҳақ тұлашнинг умумий шартлари тұғрисидеги низом”ға мувоғиқ амалға оширилади.

4.22. Халқаро мөхнат ташкилотининг “Тенг ахамиятли мөхнат учун әркак ва аёл мөхнаткашларға тенг ҳақ тұлаш тұғрисида”ғи 100-сонли Конвенциясига биноан әркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли құндықта марапаттағы мөхнатига ҳақ тұлашнинг умумий шартлари тұғрисидеги низом”ға мувоғиқ амалға оширилади.

4.23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдеги 743-сонли қарори билан тасдиқланған “Туман коэффициентлари, шунингдек, үйлік құшымча таътилнинг энг кам муддати құлланиладиган табиий-

иклим шароитлари оғир ва нокулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари оғир ва нокулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва кўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни тармоқ ташкилотларининг жамоа шартномаларида назарда тутиш.

#### 4.24. Мулк шаклидан қатъи назар тармоқда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон карори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом“ талабларини тадбик қилиш;

кўчма ва қатнаш тузидағи ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда жамоа шартномасига киритиш;

4.25. Пандемия шароитида карантин талаблари кучайтирилиши муносабати билан масофавий ишга вактинчалик ўtkazilgan ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қўйидагича амалга оширилади:

меҳнатга ҳақ тўлашдаги соатбай асосида - ходимнинг масофавий ишга ўtkazilgunga қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиқсан ҳолда;

меҳнатга ҳақ тўлашдаги ишбай асосида — ўрнатилган нархлардан келиб чиқсан ҳолда.

### V. Меҳнат интизоми

5.1. Инсон ҳукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида республикада ўтказилаётган тадбирларни инобатга олган ҳолда меҳнат муносабатлари жараёнида ходимларнинг ҳукуқ ва ваколатларига зиён етказишини олдини олиш мақсадида бошқарма муассасаларида юридик ва кадрлар бўлимлари хизмати мутахассислари фаолиятини, касаба уюшмаларининг ҳукуқ ва меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларининг билимлари ошириб борилади.

5.2. МКнинг тегишли моддаларида кўзда тутилган талаблар асосида барча Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотларида ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилиши таъминланади.

5.3. Ташкилотларда якка тартибдаги меҳнат низолари ва зиддиятлар 6 аъзолардан ташкил топган (хар тарафдан 3 дан) иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси томонидан тенглик асосида тузиладиган меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

5.4. Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини конун хужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси

Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66, 15.01.2015 й., 01-СП), Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга ва ҳар бир ташкилотнинг Низомига биноан олиб боради.

5.5. Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## **VII. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси.**

### **Иш берувчининг мажбуриятлари:**

6.1. Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг 2014 йил 25 августдаги 304-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш тўғрисидаги Низом талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этади.

6.2. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги қонунининг 12-моддаси асосида муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш ва баҳтсиз ходисаларни олдини олиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш учун штат бирлигига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини киритишни ҳамда алоҳида хона, ташкилий техника ҳамда жихозлар билан таъминлаш.

6.3. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тармоқ дастурини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш.

6.4. Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотларида жамоа шартномаларини тузишда амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган миқдорларда маблағ ажратилишини ва уларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш.

6.5. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ холда сугурта қилиш.

6.6. МКнинг 217-моддаси асосида Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотларининг иш берувчилари белгиланган нормалар бўйича меҳнат шароити нокулай ишларда банд бўлган ходимларга:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бош санитар врачи томонидан 2003 йил 6 октябрда тасдиқланган “Меҳнат шароитлари заарли ишларда бевосита банд бўлган ходимларга сут ёки унга teng бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш тартиби” бўйича сут (шунга teng бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);

- МКнинг 217-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 25 августда 1998-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 августдаги 49-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқаришлари ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари”га асосан маҳсус уст бош пойабзал ва бошқа шаҳсий ҳимоя воситалари;

- Бошқарма билан Республика Кенгаши келишган ҳолда ўрнатган гигиена (ювиш) воситалари микдорини 400 гр.дан кам бўлмаган ҳолда берилишини таъминлайди.

6.7. Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодиса туфайли ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда заарларни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2005 йил 60-сонли қарори билан тасдиқланган ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлик ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаш қоидаларига ва Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 33-моддасига асосан бир марталик нафақа тўлади:

-ходимнинг соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига кадар бўлган ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувоғик бўлган фоизлардаги ҳар ойлик тўлов, шунингдек ходимнинг бир йиллик иш ҳакидан кам бўлмаган микдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлови ҳамда ходимнинг соғлиғи шикастланишидан келиб чиқсан қўшимча харажатларни (агар у даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтоҷ деб топилган бўлса, ушбу тадбирлар билан боғлик харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий хуросага мувоғик ишга жойлашиши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация қиласи.

-ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган тақдирда, заарнинг ўрни қопланиши ҳукуқига эга бўлган шахсларга бокувчининг вафоти билан боғлик ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловларни, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртacha йиллик иш ҳакининг олти бараваридан кам бўлмаган микдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлашни ва дағн этиш билан боғлик сарф-харажатларини ҳам ўз зиммасига олади.

6.8. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошлангич касаба уюшма қўмиталари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ўртасида жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика танлови ўтказиш ва

ғолибларни юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг Қарори билан тасдиқланган “Мехнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

6.9. МКнинг 214 - моддасига асосан Согликни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилишини ходимларнинг чиқимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини таъминлаш.

6.10. Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотларидаги меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларни рагбатлантириб бориш.

6.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июля 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа ҳил заарarlанишини текшириш ва хисобга олиш тўғрисидаги Низом” талабига асосан оқибати ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларни ҳайъат йиғилишида Республика Кенгаши ва баҳтсиз ҳодиса содир бўлган муассасалар раҳбарлари иштироқида муҳокама қилинишини таъминлаш.

6.12. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши 2017 йил 4 апрелдаги 6-44“с”-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза килиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар”га биноан тузилади ва жамоа шартномасига илова қилинади.

6.13. Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотлари ҳар беш йилда камида бир марта Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрь 263-сонли қарори) асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш.

6.14. Республика Кенгаши билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва коидаларига риоя этилиши юзасидан ҳамкорликда назорат олиб бориш ва йилда бир марта бошқарманинг ҳайъат йиғилишида кўриб чикиш.

## **VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини согломлаштириш**

7.1. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини согломлаштириш борасида қўйидаги ишлар амалага оширилади:

- буғунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламдаги ислоҳотлар моҳиятини, қабул қилинган қонун хужжатлари ва давлат Дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида ойда 1 марта “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш.

- “Маънавият ва маърифат” хоналарини, кутубхоналарни Президент асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган янги адабиётлар, плакатлар ҳамда техник воситалар билан таъминлаш;
- санатория ва дам олиш уйи ходимлари учун бадий ҳаваскорлик танловларини, “Ҳамшира” ва бошқа кўрик-танловларини ташкил этиш;
- соҳа ходимларини саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спорт билан мунтазам шуғуланишларини ташкил этиш;
- соҳа ходимлари ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиш;
- кам таъминланган ва кўп болали аёллар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни тизимдаги санаторийларда молиявий имоният даражасида имтиёзли согломлаштиришни кўзда тутиш;
- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини маданий дам олдириш, республиканизнинг диққатга сазавор жойларига ва тарихий шаҳарларга саёҳатларини ташкил этиш;
- Тармок ташкилотларида “Ходимлар гимнастикаси”ни кенг жорий этиш;
- соглом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоизи микдорида устама белгилаш;
- иш вактидан сўнг танланган кунларда (хафтада камида бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тениси, сузиш ва бошқалар) билан шуғуланишини ташкил қилиш.

7.2. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) согломлаштириш ва дам олдириш учун йўлланмалар ходимлар томонидан касаба уюшмаси кўмитасига тақдим этган аризасига асосан, улар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловлардан ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларидан тушган маблагларнинг согломлаштиришга ажратилган микдорига ҳамда белгиланган тартибга мувофиқ равишда берилади.

7.3. Соғломлаштириш учун иш берувчи томонидан ўтказилаётган маблаглар хисобидан кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга бепул йўлланмалар ажратилади.

7.4. 11 ноябрь – касаба уюшмалари куни деб белгиланганлиги муносабати билан ҳар йили ташкилот ва муассасарда касаба уюшмалари кунига бағишлиланган маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, касаба уюшмаси фаолиятига дахлдор кўрик-танловлар, конференция, форум, семинар, тренинг ва ижтимоий шериклар билан учрашувлар ўтказиши.

## **VIII. Республика Кенгашнинг мажбуриятлари**

8.1. Санатор-курортлар бошкармаси ташкилотларида ходимларнинг ижтимоий химоясини таъминлаш мақсадида муассасанинг иқтисодий

имкониятларидан келиб чиқиб, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва коидаларда қўсатилганидан имтиёзлирок меҳнат ва ижтимоий-иктисодий шартларни белгиловчи жамоа шартномаларининг тузилишига эришиш.

8.2. Бошқарманинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш.

8.3. Меҳнат муҳофазасига оид норматив-хуқукий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш.

8.4. Касаба уюшма аъзоларига меҳнат муҳофазаси бўйича бепул хуқукий ёрдам кўрсатиб бориш.

8.5. МКнинг 9-моддасига асосан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва Меҳнатни муҳофаза килиш коидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат килиш.

8.6. Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотлари ходимларининг меҳнат ва майший шароитларини яхшилашга кўмаклашиш.

8.7. Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотлари ходимларига амалдаги қонунларда ўрнатилган имтиёзлар берилиши устидан назорат олиб бориш, керак бўлган ҳолларда уларни меҳнат хуқуқларини химоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат килиш.

8.8. Меҳнатни муҳофаза килиш масалаларида касаба уюшма фаолларига ташкилий, хуқукий ёрдам бериш ва уларни ўқишиларида кўмаклашиш.

8.9. Меҳнат шартномаси асосида бошқарма муассасаларида ишлаётган ходимларни, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини назорат килиш.

8.10. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни молиялаштиришни таъминлаш устидан жамоат назоратини олиб бориш.

8.11. Халқаро меҳнат ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъкиқлаш талабларига риоя этилиши устидан назорат килиш.

8.12. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблаш ва самарадорлигини ошириш борасида тизимдаги маънавият хоналарини, кутубхоналарни Президент асарлари, ўзбек адиблари ва буғунги кун талабига биноан керакли адабиётлар билан таъминлаш даражасини ошириш. Маънавият ва маърифат соҳасидаги Давлат сиёсати, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳамда маънавий-маърифий тушунчаларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш.

8.13. Ёшлишимизни фидойӣ, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлишлари, гоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича улар ўртасида мунтазам равишда машгулотлар, тарбиявий ишлар олиб бориш, ёш ижодкорлар клубларига, спорт секцияларига жалб қилишнинг оммавийлигини таъминлаш.

8.14. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонунини, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 27 майдаги 271-сонли “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори, кейинги йилларда спортни ривожлантириш борасида Президент Фармонлари хамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш мақсадида соҳа ходимларини, ёшларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спортга жалб килиш, оммавийлигини ошириш бўйича аник чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, мусобакалар, спартакиадалар ва спорт ўйинларини юкори савияда ўтказиши, муассасаларда спорт хоналарини ташкил этиш ва керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш масалаларини жамоа шартномаларида акс эттириш.

8.15. Соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларини санаторий, дам олиш уйлари, пансионат ва ёзги согломлаштириш оромгоҳларида согломлаштиришни ташкил этиш.

8.16. Кўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш, бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш.

8.17. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юқсалтиришга қўмаклашиш.

8.18. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Муассасаларда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқукларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақидаги Низом”га биноан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиясининг аъзоларини меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилиши.

8.19. Ташкилотларда асосий ишидан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига жамоатчилик ишларини бажариш учун ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган холда бўш вақт берилишини назорат қилиш.

8.20. Меҳнаткашлар вакилларини интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амалларидан муҳофаза қилиш кафолатлари.

8.21. Бошқарма билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва коидаларига риоя этилиши юзасидан ҳамкорликда назорат олиб боради ва бошқарманинг ҳаъят йигилишида кўриб чиқиши.

8.22. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб қувватлашнинг конун хужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширишни таъминлаб бориш.

8.23. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврӯз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли тадбирлар ўтказиш.

8.24. МКнинг 247<sup>1</sup>-моддасига асосан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч ичида биринчи бор ишга кирган битиравчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

## **IX. Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар**

9.1. Уч ёшгача фарзандлари бўлган аёллар учун ойлик иш хақларини сақлаган холда иш ҳафтаси 1 соатга кискартирилади. (МК 228- моддаси).

9.2. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хulosага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

9.3. Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланувчи қўшимча таътил берилади.(МК 232-моддаси).

Ҳомиладорлик ва туғиши нафақаси ҳомиладорлик ва туғиши таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади(МК 233-286 моддаси).

9.4. Ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтишлари учун, иш берувчи томонидан уларнинг ўртacha иш ҳақи сақланган холда ишдан озод этиш (агар мазкур кўриқни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса).

9.5. Ҳомиладор ва боласи бор аёллар учун МКда кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

9.6. Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Оналиқни химоя қилиш тўғрисида”ги 103-сонли, “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли, “Тенг аҳамиятли ишлар учун эркаклар ва хотин-қиўларга teng ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли ва “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенциялари талабларига ташкилотларда амал қилинишини таъминлаш.

9.7. Хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларнинг ваколатли шахси зиммасига юклаш.

9.8. Ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқук ҳамда имкониятларни яратиш.

## X. Ёшлар учун құшимча имтиёзлар ва кафолатлар

10.1. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда үқиб, үқув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тұланадиган құшимча таътил бериш, кисқартирилған иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишлари жамоа шартномаларида акс эттирилади (МК 240,249-моддаси).

10.2. Иш берувчи Ёшларга оид давлат сиёсатиини амалага оширилишида күйидагича иштирок этади.

Халқаро Мехнат Ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тұғрисида”ги 138-сонли Конвенция;

“Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йүк қилишга доир шошилинч чоралар тұғрисида”ги 182-сонли Конвенция.

10.3. Жамоа шартномаларида ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ўн саккиз ёшга тұлмаган шахсларга, шунингдек касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида құшимча имтиёзлар ўрнатиш;

узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй жой қурулиши шунингдек сафарбарлик чақируди захирасида хизмат үташга ҳақ тұлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш;

иш берувчи керакли бўлган кадрларни тайёрлаб бориш учун, олий үқув юрти талабаларининг контракт пулини бир қисмини тұлаб бериш;

ёш ходимлар ва ёш оиласлар учун банклар томонидан бериладиган узок муддатли кредитларни олишда кафиллик қилиш.

10.4. Касаба уюшмаси қўмитаси мажбуриятлари:

- корхонада амалиёт үташга бириктирилған ва корхонага ишга қабул қилинган касб-хунар колледжлари битирувчиларига касаба уюшмаси маблагидан Республикада ўрнатилған базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 ва 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

- корхонанинг ёрдамчи хўжаликларида яратилаётган бөг ва токзорларга касб-хунар колледжлари битирувчиларини ишга қабул қилишга қўмаклашиш;

- янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш;

- МКнинг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, ҳамда олий үқув юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираёттан битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

- МКнинг 247<sup>1</sup>-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий үқув

юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу хақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориши.

10.5. Ҳар бир корхонада “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш бўйича Бош келишув асосида, таълим муассасаларини тамомлаб, биринчи марта ишга кабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш орқали уларни тарбиялаш, касбга тайёрлаш ҳамда қўникмаларини ошириш ишлари олиб борилади.

10.6. Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-кувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

## XI . Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш

### Иш берувчининг мажбуриятлари:

11.1. Касаба уюшмаларининг ҳуқуqlарига риоя этиши, уларнинг фаолиятига қўмаклашиши;

ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар кабул қилингунига қадар касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиши;

касаба уюшмаларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга кабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар қилиши;

касаба уюшмалари органлари вакилларини улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз киритиши;

касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқук ва манфаатлари тааллуқли бўлган масалалар бўйича зарур ахборотни бепул тақдим этиши;

касаба уюшмаларига ўз вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни таъминлаш;

касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вактида бажариши учун вакт бериши. Бунда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вакти иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фойизидан кам бўлмаслиги керак;

касаба уюшмалари жамоа шартномасида, келишувида белгиланган мақсадлар учун ва миқдорларда маблағлар ўтказиши;

касаба уюшмасининг аъзолари бўлган ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварагига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш

11.2. Тарафлар, ижтимоий-мехнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маданий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот гоясига содиқлигини билдириб, ўз зиммалариға қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Тармоқ келишувини тегишли йилнинг феврал ойидан, Санатор-курортлар бошқармаси ташкилотларида иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги жамоа шартномаларини эса - март ойидан кечиктирмай тузиш тавсия этиш;

- Долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун республика касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг давра сұхбатларини ташкил этиб бориш;

- меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар томонидан мазкур қонун бузулиши бартараф этилмаган холларда, суд органларига мурожаат қилишдан олдин, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтиомий шериклик ва мулоқот асосида ходимлар меҳнат хуқуқларини химоя қилип тизимини жорий этишга эришиш;

- меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш бўйича Бошқарма ва Республика Кенгаши ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- касаба уюшма Республика кенгаши раисини Бошқарма бошқаруви органининг таркибига киритиш;

- бошлангич касаба уюшма қўмиталари раисларини ташкилотларнинг бошқарув органларига киритилишини;

- Бошқарма ва унинг қўйи ташкилотлари ўзларига тегишли ходим-ходимларнинг манфаатига дахлдор қарор қабул қилишдан олдин Республика Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмасининг жойлардаги органлари билан маслаҳатлашишлари шарт.

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига обунани ташкил этишга қўмаклашади.

## XII. Келишувни амалга ошириш механизми

12.1. Томонлар Келишув мажбуриятларининг бажарилишини назорат килишади ва унинг натижаларини ҳар йили, камида бир маротаба қўшма мажлисларда кўриб чиқилади. Шу сабабли тарафлар ҳар йилнинг 1 март кунига Келишувни бажарилиши юзасидан комиссия аъзоларга ахборотини тақдим этишади.

12.2. Келишувнинг бажарилишини назорат қилишни, уни бажариш мобайнида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал этишни келишув бажарилишини назорат килувчи комиссияси томонидан амалга оширилади.

12.3. Келишувга имзо чеккан томонларнинг ҳар бири уни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олади.

12.4. Келишувга имзо чеккан томонларнинг ҳар бири уни амалга оширишда муддатда (2021-2023 й.) уни бажармаслик ёки бекор қилиш хукукига эга эмас.

12.5. Ушбу Келишув мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда томонлар масъул ходимларга МКнинг 181, 182-моддаларига асосан жазо чораларини кўллашни талаб этишлари мумкин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси кенгаши қошидаги  
Санатор-курортлар бошқармаси

Тошкент ш.,

2021 йил 26. 02,  
AA-02/105-сон



А.М.Ахмедов

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши раиси

Тошкент ш.,

2021 йил 26. 02,  
02-05.с-сон



Ф.Р.Ханапияев

